

## **STRUCTURE AND COMPONENTS OF MILITARY-PROFESSIONAL COMPETENCE**

**Vakhobov Anvar**

Basic doctoral student of Tashkent State Pedagogical University  
The phone number: +998908056001 e-mail: anvar.vahobov92@mail.ru

**Annotation.** The components of the development of military-professional competence of a pre-call up military teacher, the basic competencies aimed at further improving the military pedagogical skills of future specialists in the provision of basic military knowledge are described.

**Keywords:** military-professional competence, military pedagogy, military-professional knowledge, defense, military service, basic training.

## **ҲАРБИЙ-КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯ ТУЗИЛМАСИ ВА КОМПОНЕНТЛАРИ**

**Вахобов Анвар Абдусаттор ўғли**

Низомий номидаги ТДПУ докторанти

Тел: +998908056001 e-mail: anvar.vahobov92@mail.ru

**Аннотация.** Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетенциясини ривожлантиришнинг компонентлари, бошланғич ҳарбий билимларни беришда бўлажак мутахассисларнинг ҳарбий педагогик малакаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таянч компетенциялар баён этилган.

**Таянч сўзлар:** ҳарбий-касбий компетенция, ҳарбий педагогика, ҳарбий-касбий билим, мудофаа, ҳарбий хизмат, бошланғич тайёргарлик.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида муҳим йўналишларидан бири таълим тизимини ривожлантириш, ҳамда касбий компетентлик ва шахсий психологик ҳусусиятлари қатъий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларга йўналтирилган.

Ушбу масалани ҳал қилишда етакчи ролни мамлакатнинг чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиларини тайёрлашга йўналтирилган олийгоҳлари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳарбий соҳада мутахассисларнинг тайёрлашнинг миқёси ва кўпкірралиги олий ўқув юртининг битирувчига қўйган маҳсус талаблари билан баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси”<sup>1</sup> номли асарида таъкидланганидек, ҳарбий илмни ривожлантириш борасида ҳарбий можаролар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чукур ўрганиш ва уни амалиётда такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетенциялари тизими ва мазмуни ёритиш мақсадида айнан мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, аммо, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш масаласи маҳаллий Р.Х.Джўраев, Н.А.Муслимов, У.Ш.Бегимқулов, М.Куронов, Ш.А.Акрамова, Ш.С.Шарипов ва бошқаларнинг илмий изланишларида ёритилган.

МДҲ олимларидан Л.В.Долманюк, Б.Н.Савченко, Д.В.Мешеряков, К.В.Аксенов, Е.П.Пономарев, Д.В. Мешеряков, И.А.Захаров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг жанговар, профессионал, психологик, ахлоқий ҳусусиятларини шакиллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.; “Ўзбекистон”, 2021.-457 б.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий-касбий компетентлик тушунчаси негизида касбий сифатлар мажмуаси, қобилият ва ҳарбий-педагогик фаолиятда, билим, кўникма, ҳарбий маҳорат, профессионал ва ҳаётий тажрибаларни, ҳарбий бошқарувчанлик, қадриятлар ва маданиятни қўллаган ҳолда, муаммолар ва вазифаларни ҳал этишга шайлиқдан иборат жиҳатлар тушунилади.

Ҳарбий-касбий компетенциялар «бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларини чақириққача ҳарбий таълим мутахассислиги бўйича муваффақиятли фаолият учун қўллаш қобилияти ва тайёрлиги» сифатида белгиланади.

Тадқиқотлар шуни қўрсатадики, бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг “ҳарбий-касбий компетентлик” тушунчасига хукукий, психологик, педагогик асослар, шунингдек бўлажак ҳарбий раҳбар шахсига ва чақириққача ҳарбий таълим тизимига ҳарбий-касбий мазмунлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг “ҳарбий-касбий компетентлик” тушунчасининг мазмуни ва тузулмасида ахлоқий-эстетик ва аксиологик хусусиятларни назарда тутиш муҳимдир. Жумладан:

- таълим самарадорлигини оширишда қадриятли ёндашувни такомиллаштриш режасини ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, ҳарбий хизмат ахлоқи талабаларидан келиб чиқсан ҳолда маънавий-ахлоқий, этик, эстетик тарбиялашни ҳам ҳисобга олган ҳолда комплекс режа асосида олиб бориш;

- ҳарбий ватанпарварлик ҳамда ҳарбий хизмат ахлоқига доир хислатларни тарбиялашда қадриятлардан фойдалниши оиласдан бошлаб, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, олий таълим муассасаларида узвий алоқада олиб бориш, ҳар бир талабанинг Ватан олдидағи бурчини идрок этишга эришиш;

- ўқув фанларига доир жорий, оралиқ ва якуний назоратларда талабанинг миллий истиқлол гояси, қадриятларимизни билиш савияси, маънавий-ахлоқий меъёрларга қай даражада риоя этишни ҳамда ўз фаолиятида уни қўллашига эътиборни қаратиш;

- аксиологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим самарадорлогини ошириш мавзусида курс ишлари, битирув малакавий ишларини тайёрлашни ташкил этиш,

- Вақтли матбуот, айниқса “Ватанпарвар” газетаси, “Ўзбекистон армияси” каби саҳифаларда Ватанимиз тарихи, маданияти, анъянлари, ҳарбий қадриятларга бағишлиланган мақолаларни тарбиявий соатларда муҳокама этиб боориш ва бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисида ижтимоий фикр уйғотиши.

- ҳар бир талабада ҳарбий ва меҳнат интизомига, Умумҳарбий низмларига тўлиқ риоя этиш учун зарурий билим, кўникма, тажрибаларни эгаллаш орқали ҳарбий-касбий компетентликни ривожлантириш.

Юқоридаги келтирилган мазмун асосида бўлажак чақариувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий тузулишининг қуйидаги компонентларини ажратиб қўрсатиш мумкин бўлади: ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик, ҳарбий педагогик-психологик, ҳарбий деонтологик, хукукий ахборот, амалий фаолиятга доир (1.2.2-расм).

Ижтимоий-сиёсий компонент бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг асосий тарикибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бунда миллий истиқлол мағкурасини шакллантириш, ҳарбий ватанпарварликни ва Ватан ҳимоячисига ҳамиша шайликни тарбиялаш, замонавий армияни шакллантириш ҳақидаги тўғри тасаввурни ҳосил қилиш, шунингдек ҳукуматимиз сиёсатини чуқур англаш, давлатимиз манфаатлари, урушларнинг қирғин келтириши, Ватанин ҳимоя қилишнинг моҳиятини, миллий армиямизнинг қудрати ва салоҳиятига бўлган ишончни кучайтириш муҳим вазифалардан саналади.

Бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетенциясининг рефлексивлик компоненти фавқулодда вазиятларда, табиий ва техноген холатларда, дала ўқув машғулотларида оқилона қарор қабул қилиш каби сифатлар билан белгиланади.


Ҳарбий педагогик-психологик компонент бўлажак чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг қасбий фаолиятида замонавий билим бериш орқали ҳарбий педагогик маҳоратини намоён этиш, амалий машғулотларда кўргазмалилик тамойилига асосланган ҳолда берилган

билимларни янда мустаҳкамлаш, билишга оид ҳар қандай машғулотни түгри, мақсадли ташкил этиш, ўзининг психологик билимларини кучайтириш орқали руҳий имкониятларини түгри баҳолай олиш, ўқувчи жамоаси билан ишлай олиш, жасурлик, ҳарбий билимларни қўллай олиш стратегиясига эгалик, ҳар қандай қийин шароитда психологик жиҳатдан бақувват ва иродали бўлиш каби сифатларини киритиш мумкин.

Ҳарбий деонтологик компонент бўлажак чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг Умумхарбий низом қоидаларига ҳамда ҳарбий ахлоқ нормалрига амал қилиши, ҳарбий педагогик фаолиятда касбий этика, ахлоқий меъёрларни, қадриятларни, талабларни шакллантириш ҳамда бўлажак ўқитувчининг касбий бурчини ҳалол, вижданан бажаришга мос келадиган ахлоқий, хуқуқий тамойиллар ва қоидалар мажмуидир.

Хуқуқий ахборот компоненти ўз навбатида бўлажак чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг умумкасбий фанлар блокидаги “Ҳарбий қонунчилик асослари” фани негизида шаклланадиган чақириққача тайёрлаш ва ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини режалаштириш бўйича хужжатлар билан ишлаш борасида хуқуқий маданияти ва билимларидан ҳарбий-касбий фаолиятида фойдалана олиш, шунингдек таълим муссасаларидағи чақириққача тайёрлаш ўқув-моддий базасини жиҳозлаш, асраш ва такомиллаштириш бўйича ҳарбий раҳбарлик тизимининг талабларига риоя этиш, ёшларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбуриятларини бажаришга йўналтириш ва ҳарбий билим юртларига номзодларни саралаш бўйича ўрнатилган қонунчилик асосида иш юритишини амалиётга жорий этиш билан ифодаланади.

Амалий фаолиятга доир компонент бўлажак чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллай олиш, ҳарбий техника, курол-яроғ ва ўқ-дорилар билан ишлаш қўнималарини шакллантириш каби сифатларини тарбиялаш билан изоҳланади.



### 1.2.2-расм. Бўлажак чақиравуга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетенциясини тузилмаси

Шунингдек, биз тадқиқотлар давомида чақириққача ҳарбий таълим талабасининг ҳарбий-касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг таркиби ва мазмунини олтита компетенцияйи гурухларга ажратиш билан ифодаладик (1.2.3-расм)

Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетенциялари				
Ўқувчиларга қурол-яроғ, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулкни ишлатиш ҳақида бошланғич билимларни бериш	Ҳарбий-техник компетенция	Ҳарбий-ватанпарварлик компетенция	Ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўқувчиларни жалб қилиш	
Чақириққача тайёрлаш, ҳарбий ишни ўрганиш бўйича факультатив дарслар тўғракларга ва	Ҳарбий раҳбарлик компетенция	Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетентликни ривожлантиришга	Ҳарбий-педагогик компетенция	Ҳарбий-педагогик жараёнда ўқувчиларда билим, малака, кўнимкамларни шакллантириш
Фавқулодда вазиятларда, табиий техноген холатларда, дала ўқув машғулотларида ҳаракатланиш қобилияти	Экстремал-касбий компетенция		Ҳарбий-хуқуқий компетенция	Касбга доир хуқуқий маданиятни ва касбий-хуқуқий статусини ривожлантириш

### 1.2.3-расм. Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг ҳарбий-касбий компетентликни ривожлантиришга оид таянч компетенциялар

1. Ҳарбий-техник компетенция қурол ва техника билан ишлаш ва улардан фойдаланишни ўқувчиларга ўргатишдаги тайёргарлик ва қобилиятни шакллантириш, уларни тўғри ишлатиш, ихтирочилик ва рацонализаторлик ишларини ташкил этишни кўзлайди.

2. Ҳарбий-ватанпарварлик компетенция бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг тарбиявий фаолиятидаги компетенциялари ўқувчиларни ахлоқий-психологик таъминотни ташкил этиш, турли хил тарбиявий ишлар ва таълим муассасаларида тарбиявий

тадбирларнинг ташкил этиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

3. Ҳарбий раҳбарлик компетенция бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчиси бир вақтнинг ўзида ҳарбий раҳбар сифатида таълим муассасаси директори ўринбосари лавозимида таълим масканида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устидан назоратни амалга ошириш, ўсмирларни ҳарбий билим юртларига ва армия хизматига тайёрлаш бўйича иш олиб бориш, қарор қабул қилиш, бу борада мудофаа ишлари бўлимларига ёрдамм бериш, ўкув маскани педагогик жамоаси билан ҳамкорликда ишлашини ўз ичига олади.

4. Ҳарбий-педагогик компетенция ҳарбий-педагогик тайёргарлик ва машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишига тайёргарлик билан боғлиқ компетенциялар киради. Ҳарбий-педагогик компетенция бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисида доимий юксак жанговар тайёргарликка эга бўлишлари, педагогик жараёнда ўз бурчини муваффақиятли бажаришлари учун юксак маънавий, сиёсий ва жанговар хислатларни, педагогик маҳоратни шакллантириш, ақлий ва жисмоний кучларини ривожлантириш, маънавий-руҳий тайёргарлигини амалга ошириш каби қобилияtlарини шакллантириш учун хизмат қиласди.

5. Экстремал-касбий компетенция бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисида табиий ва техноген фавқулодда вазиятларда харакатланиш кўникмасини шакллантириш, келгусида таълим муассасаларида ўкувчиларнинг хаётида фавқулодда вазиятларда харакатланиш кўникмасини ўқитиши ва амалда қўллаш, биринчи тез тиббий ёрдам қўрсатиши, пневматик қуроллардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини ўргатиши бўйича қобилияtlарини ўз ичига олади.

6. Амалий-жисмоний компетенция бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисидаги касбий-амалий жисмоний статус қўрсаткичларини ўстириш, ҳарбий-спорт тадбирларини тўғри ташкил этиш, дала ўкув машғулотларида кучнинг тўғри тақсимланишини назорат килиш, доимий равищда жисмонан етук ва шай ҳолатда бўлиш каби сифатларни ўз ичига олади.

Бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчининг ҳарбий-касбий компетентликни ривожлантиришга оид таянч компетенциялар юқорида келтирилган ҳарбий-касбий компетентлик блокларининг мазмунини ёритишига қаратилган бўлиб, айнан мана шу компонентлар асосида ҳарбий таълим факультетларида бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчининг ҳарбий-касбий компетентлигини ривожлантирилиши, бу борадаги асосий вазифаларнинг амалий ечимини таъминлаш имконини беради. Ҳарбий-касбий компетентлик тушунчаси мураккаб бўлиб унда бўлажак чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчиси ҳарбий таълим жараённада ўкув-жанговар шайлик, интизом ва профессионаллик даражасини ошириш, ҳарбий меҳнатнинг ўкув-тарбия жараённадаги маҳсули, ҳарбий-касбий билимларни эгаллаш орқали ҳарбий таълим жараённада юзага келадиган мураккаб вазифаларни ҳал эта олиш қобилияти тушунилади.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.; “Ўзбекистон”, 2021.-457 б.
2. Джўраев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовке в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс...док. пед. наук. -Т.:1995. - 43 с.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. - 128 б.
4. 4.Мещеряков Д.В. Идентификация компетенций выпускника военного вуза / Д.В. Мещеряков // Вестник Тамбовского государственного университета. Серия: гуманитарные науки. – 2012. – № 10(114). – С. 165-170.
5. Пономарев Е.П. Формирование профессионально - педагогической компетентности преподавателей военного вуза. Автореф. дисс...кандидата. пед. наук. -Уфа.:2013.